

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№143 (6.668). Sotuvda erkin narxda



- Республика шашинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон вилояти бўлимида тренинг-курслар ташкил этилди.
- Дўстлик туманидаги «Оқ олтин» агрохизмат маркази ҳудудда меҳнат қилаётган 112 фермер давлатга 4 минг 80 тонна пахта сотиб, шартнома режани вилоятда биринчилардан бўлиб бажарди.
- Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ шу йил 20 ноябрдан мамлакатимизда ёнғин хавфсизлиги ойлиги бошланди.
- Тошкент Фото уйида «Ўзбекистонга муҳаббат ва эҳтиром билан» мавзудаги фото-танлов доирасида кўргазма очилди.
- Наманган вилоятида яна бир матбуот наشري пайдо бўлди. Вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими муассислигида ташкил этилган «Маҳалла кўзгуси» газетасининг нишона сони газетхонлар қўлига теғди.
- Республика Миллий матбуот марказида аффон ва ўзбек киноусталари ҳамкорлигида ишланган «Булултар» фильмини суратга олиш ишлари тугалланиши муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.
- «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг марказий кенгаши ҳамда пойтахтда фаолият юритаётган Тадбиркорликни ривожлантириш маркази ҳамкорлигида ёшларда тадбиркорлик лаёқатини шакллантиришга йўналтирилган лойиҳа доирасида семинар ўтказилди.
- Республика таълим марказида АКШ халқаро таълим кенгаши АКСЕЛС-нинг юртимизда фаолият бошлаганининг ўн йиллиги муносабати билан тадбир ўтказилди.
- Т.Н.Кори Нивезий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида «Умумий ўрта таълим мактабларида табақалаштириб ўқитиш муаммолари» мавзуда анжуман ўтказилди.



Беҳзод Абдураимов аллақачон эл озғига тушган ёш, истеъдодли санъаткорлардан бири саналади. Унинг пианинода ижро этадиган куйлари санъат ихлосмандлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Беҳзод 1999 йилда ўтказилган «Санъат гунчалари» республика кўрик-танлови галиби бўлган эди. Бундан ташқари, Козогистон, Италия, Хитой каби мамлакатлардаги турли мусика танловларида ҳам муваффақиятли иштирок этган.

СУРАТДА: Беҳзод Абдураимов.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

МУСТАҲКАМ ДЎСТЛИК ВА САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК САРИ

Ўзбекистон аҳлига Болгарияни алоҳида таништиришнинг унчалик ҳожати йўқ. Халқларимиз чегарадош ҳудудларда яшамаган бўлса-да, ўзаро савдо-сотиқ қилгани, илмий-маданий алоқаларни ривожлантириб келгани тарихдан яхши маълум. Демак, муносабатларнинг шонли тарихи бугун бизга ҳамкорликни ривожлантириш учун қарқинчидан кўпроқ имконият яратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг шу йил 24-26 ноябр кунлари Болгария Республикасига давлат ташрифи чоғида қандай масалалар қун тартибига чиқди? Умуман, аки ўртада қандай масалалар йиғилиб қолгану томонлар бир-бирига қандай тақлифларни билдириши мумкин? Болгариянинг Ўзбекистондаги мубаққат ишлар вакили Стоян ГОРЧИВКИН билан ана шу масалалар хусусида суҳбатлашдик.

- Мазкур ташриф давлат даражасида ўтишининг ўзидек мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида аҳамияти ва Ўзбекистон Президентига Болгариядаги юксак эҳтиромнинг белгисидир, - деди С.Горчивкин. - Халқларимиз бир-бирини самимий ҳурмат қилади.

Болгария 1992 йил 6 январ кунини Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган. Ўша йилнинг сентябрида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. 1999 йилдан эса Тошкентда Болгария элчихонаси фаолият юритмоқда.

Президент Ислоҳ Каримовнинг 1998 йил июн ойида Болгария илк расмий ташрифи асносида муносабатларимиз барқарор ривожланиши учун тамал тоши қўйилди - Дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик

тўғрисида давлатлараро шартнома имзоланди. 1999 йилнинг майида эса мамлакатимизга Болгариянинг ўша вақтдаги Президенти Петар Стоянов келди. Бу олий даражадаги ташрифлар мамлакатларимиз ҳамкорлигининг ҳуқуқий базасини кенгайтириб, муносабатлар ривожини учун янги-янги имкониятлар эшигини очди.

Лекин сиёсий мулоқотлар юксак даражада бўлгани ҳолда, афсус билан таъкидламоқчиманки, иқтисодий алоқаларимиз нафақат салоҳият ва имкониятларимиз, балки мамлакатларимизнинг муайян эҳтиёжларидан ҳам ортда.

Иқтисодий соҳада ҳали қилинадиган иш кўп. Масалан, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама солиққа тортишдан воз кечишга оид битим қабул қилинаётгани ишбилармонларимизни қийин аҳволга солиб қўйиши тайин. Кредитларнинг сугурта қилиниши ҳамда Болгария ва Ўзбекистон банклари ўртасида бевосита алоқалар зарур даражада яхши йўлга қўйилмагани ҳам муайян қийинчилик туғдиради.

Президент Ислоҳ Каримовнинг ташрифи давомида бундай масалалар ечим топиши шубҳасиз. Томонлар транспорт коммуникациялари, сайёҳлик каби истиқболли соҳалар бўйича ҳам атрафлича фикрлашиш кутилмоқда. Умуман, ушбу ташрифи муносабати билан ўндан зиёд икки томонлама ҳужжат имзоланиши мўлжалланмоқда. Президент Ислоҳ Каримовнинг Болгарияга давлат ташрифи ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтаришига ишонамиз.

ЎЗА МУХБИРИ
Анвар БОБОЕВ ёзиб олди

АТИГИ ЮЗ САТР

«Алишер Навоий» бекатидан «Пахтакор» бекатига ўтиш учун эскалаторга чиқаялман. Йўловчилар унчалик кўп эмас. Кўзим олдинроқда иккала қўлига ҳам каттагина сумка кўтариб турган кекса онахонга тушди.

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

Дарҳол ёнига етиб бордим-да: «Холажон, сумкангиз оғир шекилли, келинг кўтаришиб бораман», дедим. Хола шундай юзимга қаради-ю, «Раҳмат, болам, сумкам оғир эмас», деб жавоб берди. Бир-икки сониядан сўнг ортига ўгирилди-да: «Қизим, мени тушуниб ҳурмат қилибсиз, Аллоҳ сизни эъозласин, илоийим кам бўлманг, шу гапнингиз учун ҳам барака топинг», дея алқаб кетди. Хола шундай хаяжонланиб, юракдан гапирар эдик, хали ҳеч қандай ёрдам кўрсатмай туриб, шунча олқиш-дуо олганимга ҳам ажабланиб, ҳам тўқилганимга турар эдим.

Шу бир оғиз сўзим кекса онахоннинг қалбини шамчирокдек ёритиб юборганидан хурсанд бўлиб кетдим. Англадимки, кексайида меҳрга, ширин сўзга муҳтож бўлиб қолган бу онахонга сўзларим тилла тангадек таъсир қилган. Яхшиликда, яхши гапириб бировнинг кўнглини кўтаришда маъно қўпчилиги тушундим. Аммо шундай пайтларда инсонлар ўртасида меҳр-оқибат анқонинг уруғига айланиб бораётган бир пайтда, айниқса, ёшларнинг бундай эътибор кўрсатиши ноёб ҳол бўлиб бормоқда.

Холанинг миннатдорчиликларидан сўнг менинг бахридилдим очилиб кетди.

Қарангки, биз инсонлар ширин сўзга, жиндек эътиборга қанчалар муҳтожимиз. Дунёнинг ташвишларидан зада бўлган ўқис кўнглимизни чарогон қилиш учун икки оғиз яхши сўзининг ўзи kiffo. Базан барчага улашиб чиққанмишда ҳам заррача қаймайди деган меҳр-оқибат бир-биримиздан қизганимиз. Келбати Алпдек йиғитлар, Барчинийдек қоматдор қизлар транспорт воситаларида шошилиб бир-бирини туртиб кетаверади. Бир мუдат атрафлича назар солиб, кекса отахону онахонларга ёрдам қўлини чўзиш ҳаёлларининг кўчасидан ҳам ўтмайди.

Мен эса ўша нуроний онахонга қарата «Арзимас ёрдими минн тоғдек билиб алқанингиз учун ҳаётга, одамларга нисбатан янада муҳаббат уйғотганингиз учун раҳмат», дегим келди.

НИРОГА ТЎХТАМАТОВА

КУЗГИ ШУДГОР. БОШҚАСИ БЕКОР!

Тақдирини ер билан боғлаган деҳқон борки, бугун ерини обитобида шудгорлаб олиш илинжида. Зотан, деҳқончиликда энг асосий ва нозик иш шудгордир. Буни ер билан тиллашиб юрганлар яхши билишади, албатта. Ҳўш, пахта йиғим-терим ишлари якунланаётган шу кунларда шудгорга тайёргарлик ишлари қандай? Кузги шудгорнинг фойдаси нималарда кўринади-ю унинг хосияти қандай?

Эргашали Қурбонов, Ер ресурслари Давлат қўмитаси раиси: -Сифатли шудгор ердан олтин ундиришининг биринчи шарт. Бу тадбирни ўз вақтида ўтказмасдан ишлаб бўларканми? Шудгорни келтириш ширкатчи ё фермер меҳнатчи, ҳақиқий деҳқон эмас... Кўпинча «хўжалик техника бермапоти», «МТПнинг тракторига навбатда турибман», деган гапларни эшитиб қоламиз. Бу баҳоналар фақат ўзига зарар келтиришини негадир кўпчи-

лик ўйламайди. Аслида ориятли одам бир ишга қўл урдики, орқага чекинмайди. Қўйиб-пишиб ишлади, даромаду бойлик ҳам ақлли одамнинг қўлида тўланади. Назаримда, ерни қўлидан иш келадиган кишиларга 5-10 гектар эмас, 50-60 ва ундан ҳам кўпроқ қилиб бериш лозим. Унутмаслик қараки, ер олтиндан қиммат, ундан хўжасизларча фойдаланиш нонни увол қилиш, ўз ризқу насибасини қийиш билан баробар.

Нега масалани шундай қўндаланг қўямиз? Сабаби, юртимизда ер ресурслари, хусусан, сугориладиган ерлар ҳажми чекланган. Ҳар қарч ердан самарали фойдаланасанки бой, бадавлат яшай оламиз.

Ринат Назаров, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори:

БУГУННИНГ ГАПИ

-«Мўл ҳосил кўтараман», деган деҳқон шу кунларда ерларни ағдаргани маъқул. Чунки кузда шудгор қилинган ерларнинг унумдорлиги юқори бўлади. Ҳар хил бегона ўтлар, уларнинг уруғлари тупроқ остига тушиб, озукага айланади. Зараркундалар қирилиб кетади. Асосийси, ер обдон дам олади. Масалан, пахтачиликда экинга тай-

ёргарлик ишларининг 80 фоизи кузда қилинади. Қўрсатилган мuddатда белгиланган микдорда органик ўғитлар солиб ҳайдалган майдонларга экинган чигит тез ривожланиб, ҳосил 10-15 кун эрта пишди. Ҳосилдорлик нисбатан 5-7 центнер юқори бўлади. Шунингдек, гўза майдонларини шудгорлашда ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаган маъқул, яъни даладаги гўзалар майдаланиб, жойига сепилади, 13-нур ерлар ҳайдалади. Бу майдонга 10-15 тонна гўн солиш билан баробар. Ерларни ҳайдашда тупроқ шароитига эътибор берган ҳолда 30-35 сантиметр, баъзи жойларда 40-45 сантиметр чуқурликда шудгор қилинади.

Сайдулло Фармонов, фермер: -Донни йиғиб олган, ерни шуд-

горлаб қўяман. Сабаби, ер дам олади, тобланади. Кейин ўша жойда экин қилинг, ҳосили кўрасиз. Аслида ер ҳам инсонга ўхшайди, ишлаган чарчайди... Шундай пайтда дам бериш керак. Бу гапим айримларга эриш туюлар, лекин бор гап. Дейлик, чекингиздаги ернинг маълум қисмига кузги бугдой экин-гиз, донни йиғиб олган, полиз-сабзавот экинчи ёки маккажўхори қадагингиз. Шу тахлит ердан унумли фойдаланаясиз. Бироқ йилдан-йилга ҳосилдорлик пасая бошлади. Билингки, ер чарчаган. Бундай пайт биринчи экиндан сўнг гектар бошига маҳаллий ўғитдан 15-20 тоннадан солиш шудгор қилинг, экин-тикин мавсумига ер куч йиғади. Утган йили 25 гектар еримда буни синаб кўрдим. Жорий йил ўша жойдан 70 центнердан фалла олдим. Мана сизга исбот. Кузги шудгорни қавс киргунга тугаллаш керак. Акс ҳолда кутинган натижа бермайди.

Маҳдий Раззоқов, кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди: -Кузги шудгор мевозор боғлар учун ҳам қони фойда.

(Давоми 3-бетда)

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

МУЛОҲАЗА

Икки-уч қария янги сайланажак раис зиёли киши эканлигини, маҳаллага бош бўла олишини айтган. Тўпланган уни бир овоздан раисликка сайладилар. Бу ҳол бизга бундан бир неча йил муқаддам Бухоро шаҳридаги Ширбуди кишлоқ фуқаролар йиғинида ўтган тадбирни эслатди. Ушундан ҳам «сценарий» шу тахлитда

ОҚСОҚОЛ ОЁҒИДАГИ ТУШОВ

Менинг розилигим керак экан, холос. Бугунги ўзимизга қўйиб беринг, дейишяпти.

Воқеаларнинг кейинги ривожини эса «Сих ҳам, кабоб ҳам куймасин», деган гапни ёдга солади. Маҳаллада йиғилиш қақриб, аввалги раиснинг роса пўстагини қоқиди. Сўнг эса кун тартибидидаги асосий масалага ўтилади. Маҳалла оқсоқоллигига номзод тўпланганларга таништирил-

давом этган, мутасадди раҳбарлардан бири маъруза қилган, узрли сабабга кўра, йиғилишни тарқ этганди. Шундан сўнг залда тўпланган баъзи фуқаролар ҳам уйга кетиш тараддудига тушиб қолишди. Холбуки, янги раис тўпланганлар билан суҳбатлашиш ниятида сўз олган, маҳаллада эса ўз ечимини кутаётган муаммолар етарлича тўпланиб қолганди.

(Давоми 2-бетда)

МИЛЛАТНИ ДУНЁГА ТАНИТАДИ

Ўзбекистонда рўй бераётган муҳим ўзгаришлар, яъни қонунчиликни либераллаштириш, парламент ислохотларини амалга ошириш айнан Конституцияда ўз ифодасини топган.

Зеро, Асосий қонунимизда қонун чикарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ҳамкорлигининг турли жиҳатлари уйғунлашган яхлит, принципиал концепция ўз аксини топгандир. Шу боисдан икки палатали парламентни шакллантириш бора-бора назарда тутилган ўзгаришлар ва қўшимчалар, биринчи навбатда Конституциянинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш тизимини, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг палаталарига оид, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти ва суд ҳокимияти органларининг конституций ҳолатини тартибга солувчи моддаларига киритилди.

Инсон ва фуқаронинг демократик ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари дунё стандартлари, халқаро ҳуқуқ тамойилларига тўла мос ҳолда эътироф этилган. Бошқача айтганда, Конституцияимиз инсон шахсини улуғлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳафозатлаш йўлини тугатган. Унинг 13-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Шу ўринда Конституцияимизнинг барча нормалари муайян иқтимоий-сиёсий, мафқуравий-ҳуқуқий маънони ўзида муҷассам этганлигини, қонунчиликнинг барча соҳалари, шу билан бирга уларнинг истиқболдаги тараққиёти учун асосий манба эканлигини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

(Давоми 2-бетда)

Таниқли ёзувчи Алишер Ибодидинов «Зулм базми» номи романини ёзиб тугатди. Қуйида ушбу романдан парча ўқийсиз.

Нусрат ордендорнинг ёши саксонларга борган, у ҳам иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Айтишларича, урушга қадар комсомол фаолларидан бўлган

нинг ақли «андоқроқ» эканлигига қарамай уйлантириб ҳам қўйишди. У бола-чака кўрди. Жамоа хўжалиги фермасида қоровул бўлиб ишлаётган эди. Бир рўзгорни бир амал-

НУСРАТ ОРДЕНДОР (РОМАНДАН ПАРЧА)

Нусрат урушининг тўртинчи йили охирида фронтга жўнабди-ю, жиёл ўтмай контузая олиб юртга қайтиб келди. Лекин у... ақл-ҳудидан кей бир маънода ақралган эди. Таважубки, ота-онаси, қариндош-уруғи, маҳалла-қўйини яхши билар, ҳаммани таниб ўзига яраша муомала қилар, ташқаридан қарасангиз ҳеч ким контузая олиб, миёси айнинг одамига ўхшамасди.

Шу боисмикам, фронтчи-

лаб эглаб юраверди. Алалхусус, ўша пайтларда Нусратнинг бир қилиги чиққан: одатда жамоат жойлари, клублар, дала шийпонларига келиб лекция ўқийдиган лекторларга тақлидан у ҳам тўрта одам йиғилиб қолса, уларнинг оғзини ўзига қаратиб, Совет давлати ички ва ташқи сиёсати, халқаро ахволдан сиёсий шарҳ бериш жининлигига йўлққан эди.

(Давоми 4-бетда)



“ЎЛИК” ТУФИЛГАН БУЗОҚ...

Кўшак ака сизнинг дарё ёқасига, пахтазорга боғлаб келди. Хотини Жаржин опа “дод” даяверди. -Бекор обдорингиз... Бузоқ сиз... Биронта мол шоклайдимиз? Ёлини туғиб турибди. Бугун-эрта туғадиган...

НАЙРАНГНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

“Ана, “анков” ҳам келаяпти, - деди даврада ўтирганлардан бири. Зум ўтмай остонада Шермат пайдо бўлди. У жипмайганча ҳаммага салом бериб, дастурхон атрофига келиб ўтирди. Гурунг ана шундан сўнг кизилди...

“ПАЛЬТО КИЙМАЙДИГАН БЎЛДИМ”

Ғайбулла ака деган домламиз бўларди. Ажойиб инсон эди, жойлари жаннатда бўлсин. Жуда ҳушқавқ, ҳар хил хангомаларни айтиб, даврадагиларни қулдириб ўтирар эди. -Қариндошларингиздан мол сотиб олма, айниқса, кийим-бош, - деди у бир кун...

ИЛОН ҚАСД ОЛДИМИ?

-Бу воқеа анча йил аввал менинг ота-онанинг бошидан ўтган экан, - деб гуруннг кезиб боради Карим ака. - Отам Ёш бўлса ҳам ишнинг бўзгани биладиган киши экан. Тўрмуш курган, кичкина паҳса уй қуриб олибди. Кейин оила бошқаси иллонда қишлоққа қилиб келиб, мардикорлик қила бошлади. Уйда ёлғиз қолган онам боласини уқлатмоқчи бўлиб ўтурса, устун ёнғоқга тирмашиб турган иллонга қўли тушибди. Қўрқандан иллоннинг бошига қосиб билан ўриб ўлдирди. Орадан тўрт-беш кун ўтгандан сўнг, ўша ёнғоқдан яна бир иллоннинг тушиб келатганини кўриб, уни ҳам ўлдирди...

(Давоми. Боши ўтган сонда) ПЕТРОВИЧ НЕГА ЙИҒЛАДИ?

Ўлим деганлари асти сўраб келмас эканки, қадроним Муродилла Холдоронинг қазоси ҳам бунинг яна бир мисоли бўлди. Муродилла ака ниҳоятда меҳру оқибатли, одамлиги й ўлчовсиз дўст эди. Худди шунинг учун ҳам издиҳом катта бўлди. Лекин мен ўша кундаги ҳаммамнинг эсида қолган бир воқеани айтмоқчи-манки, бундай ҳолнинг хайёга келиши ҳам кийин. Марҳум Муродилла ака сўнгги боргина чиқадиган дарвозанинг икки биқинидан дўстлар, яқинлар, қўшниллар қўл боғлаб турибди. Катормизда кирғиз ҳам, корейс ҳам, украин ва рус ҳам бор, татарлар анчагина. Имом келди, ҳамма жаноза намозига қорланди. Энди ўз уйда меҳмон бўлиб қолган ва шу кетганча қайтиб келмайдиган Муродилла аканинг тобутни гилам устига қўйилди. Ҳаммамнинг боши ҳам, бир сўз айтишга ҳолимиз йўқ. Қутилмаганда “Вали ака” (Валентин Петрович) имомдан сўраб қолди: -Биз бир турсак бўлмайди-да, а, домла? Саволни эшитиб донг қотиб қолдик. Бу гап кимнинг кўнглига келибди, деймиз. Лекин ўша лаҳзадаги қонунят тезкор. Одам қўл эди, сафларни ростлаш билан овора эдик. Имом “Вали ака”га нима деб жавоб берганини билмадим, рус қўшини жаноза асосида қаерда турди - кўрганми йўқ. Аммо баралла айтгим келадикки, маҳалла биро дарлик мактаби, ундаги ҳар бир иссиқ-совуқ - кадр-қим-

мат сабоғи. Маҳалла - улғ муаллим. Унинг дарсида ҳамма баробар, киши қимлигиндан қатъий назар, бой-камбағаллигини, дини ва миллатини истисно қилади-да, элга, унинг қувончу қайғусига қоришиб кетади... Хуллас, тобутни кўтариб ташқариб чиқдик. Унинг бир тарафини “Вали ака” елкалаган, қўллари тўла жижка эди. Бунинг учун Валентин Петрович бировдан рухсат сўраб ўтиргани йўқ.

бир парчасига қабр излаб гирён, кўча-кўча сарсон. Роксана мусофир эди, ўзбекининг маҳалласини, маҳалла ҳам ота, ҳам она эканини билмасди. Норасида гўдакка ўзбек туپроғи кучоқ очди, баргига олди, онанинг гамига шерик бўлди... Наманган шаҳрида 11-автобазада Геннадий Кирлан деган рус шофёр бўларди, ўтиб кетди. Суннат тўйларимиз унинг палови билан обод,

ликка, яхшиликка, иноқликка, ҳалолликка, покликка қорлайдилар. Бизлар ана шу давлатларга амал қилиб умргузаронлик қилмоқдамизки, шунинг учун ҳам Ватан обод, маҳалла обод.

ШАҒҚАТ МАНЗИЛИ, БИРОДАРЛИК МАКТАБИ

Ва мутлақо рухсат сўрамай қабристонга ҳам борди-да, биринчи бўлиб кетмонга қўл чўзди. Биз ҳаммамиз қўшилиқ бурчини адо этаётган “Вали ака”миздан мингдан-миг рози эдик. У раҳматли Муродилла аканинг биродари, улфати, маҳалладоши эди-да. Олтиш йил бурун Хамид Олимпон айтган гап ёда келади. Украиндан юртимизга кўчирилган Роксананинг ўғли ўлган. Қалбда гап, қўзда ёш қулфатазда аёлнинг қўлидаги туғунчак ўш Вова, унинг латага қирмалган жонсиз жасади. Роксана калбининг

“УМУМИЙ БИРОДАРЛИК”


“Одамлар ҳар хил дин ва маъбадан, ҳар хил қабила ва миллатдан бўлсалар ҳам, бир отанинг ва ягона онанинг фарзандларидир. Бошқача қилиб айтганда, бир-бирларининг ака-укаларидир. Шундай экан, улар бир-бирларига муҳаббатли ва шафқатли бўлишлари шарт, яъни ўзаро умумий биродарликни юзага келтиришлари керак”. Абдурауф Фитрат саксон йилча бурун айтган бу фикрлар Истиқлол замонида мутлақо янгилибди, ўзининг асл қимматини топди. Шоир алоҳида таъкидлаган фазилатларнинг туғилмоғи ва камол топтоғи учун маҳалладан бопроқ муҳит йўқ десаек, асло муволаға бўлмас. Бинобарин, ўша “умумий биродарлик”ни юзага келтириш учун қурашнинг бу кунги майдони маҳалла бўлдики, ушбу беллашувада зафар ҳам, соврин ҳам бизники бўлажак. Бу гаплардан муздак нима? Муздак шуки, маҳалла шафқат манзили, биродарлик мактаби, деган мақомга сазовор. Зероки, бу сўзлар ўз антоними бўлмиш зулм ва душманлик қалималарини инкор қилади. Зулм ва душманлик бўлмаган бизники каби Ватандан меҳнат бўлади, ижод бўлади. Бахтли умр ўтун шунинг ўзи кифоя эмасми?

Рустамжон УММАТОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.



Ватанимизда турли миллатларнинг дўст ва инуқ яшаётганлигини турли ранглардан иборат гулдастага ўхшата бўлади. Улар сафида эса корейлардек шижоатли ва меҳнатқаш инсонлар ҳам бор. 1937 йилда Узоқ Шарк минтақасидаги Курия ярим

ги муסיқачи Павел Николаевич Пак раҳбарлик қилаётган чолғу оркестрининг доврғу бугун республика-мизда анчайин танилиб қолди. П.Пак ўз ансамбли билан турли тадбирларда катнашишдан ташқари вилоятдаги қўллаб ташкилот ва ўқув юртлиарида концертлар ҳам қўйиб, мухлислар



Кашқадарё мраммининг бугун хорижлик мутахассислари харидорлар ҳам эътироф этишмоқда. Негаки, “Кашқадарё мраммар” ҳиссадорлик жамиятининг махсулотлари ўзининг юқори сифати билан мижозлар дидига мос тушяпти. Шу боис корхона мраммарлари нафақат юртимиз бозорида сотилапти, балки қатор хорижий давлатларга-да, экспорт қилинаётди. СУРАТЛАРДА: 1) тайёр махсулотлар; 2) оператор Ш.Ярматов. БА.ҚРАМОВ олган суратлар.

МИЛЛАТНИ ДУНЁГА ТАНИТАДИ

(Боши 1-бетда) Зеро, у асосда мустақиллик йилларида 15 та кодекс, 400 дан зиёд қонунлар, қўллаб Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги бунинг яққол мисолидир. Мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар эса Асосий қонунимизнинг принциплари ва қоидаларини конкретлаштириш ҳамда ҳаётга жорий қилиш учун хизмат қилиши, шубҳасиз. Шу билан бирга, Ўзбекистон Конституцияси асосида амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг давоми сифатида яна баъзи ишларни ҳам амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Хусусан, мамлакат Президентининг 2001 йил 4 январьда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўрганилиши ташкил этиш тўғрисида”ги фармойи-

ши талабларини бажариш мақсадида ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар мунтазамлигини таъминлаш лозим. Ушбу анжуманларни маҳалла, туман, шаҳар, вилоятлар ва республика даражасида ташкил этиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Конституциямизга шарҳлар, у асосида дарслик, ўқув қўлланмалари ёзиш яхши аниёнага айланади. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги Академияси олимлари томонидан чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси шарҳ, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий ҳуқуқи (дарслик), “Конституциявий ҳуқуқ таъриф ва чизмаларда” ўқув қўлланмаси, Тошкент давлат юридик институти олимлари томонидан тайёрланган ноюрдик олий ўқув юртлиари учун “Конституциявий ҳуқуқ асослари” бўйича дарслик, Ўзбекистон Миллий университети томонидан эса

ДЎСТЛИК ГУЛДАСТАСИ

ороли ва Хитой чегараларига яқин жойлардаги Син Дух Ин дарёси соҳилларида яшовчи корейлар мажбуран Урта Осиёга кўчирилганди. Ушанда корейларнинг аксарияти Хоразмга, хусусан Гурлан туманига олиб келинган. Орадан ўтган йиллар давомида худди ўзбеклардек меҳнатқаш корейс халқи воҳодаги барча соҳаларда фаолият юрйтиб, катта натижаларга эришди. Хусусан, улар орасида Е.В.Ким, Нам Хюн Дон, Хан Бен Нам, Герман Югай, Пак Николай сингари элу юрта дароқли раҳбарлар етишиб чикди. Шу билан бирга, корейс ўзбекка, ўзбек корейсга қиз бериб, қиз ола бошлади. Корейс таомллари, хунарманчилик буюмлари воҳодаги ҳар бир оилага кириб борди. Айнан бу борада вилоятда фаолият кўрсатаётган корейс миллий мадания марказининг ўзи йриб.

олқилини олмоқда. Айни пайтда Урганч давлат университетининг иқтисодли талабаси Елена Логгай раҳбарлик қилаётган корейс ёшлари маркази ҳам вилоятдаги йигит-қизларни турли йўналишдаги қобилиятларини намойиш этиши, маданият-маърифий, дам олиш тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказишга бош бўлмоқда. Шу билан бирга, Урганч давлат университети ва Урганч шаҳридаги 3-сон гимназиядаги корейс тўғраги аъзоларининг олаб бораётган ишлари, уларга яратилган шарт-шароитни кўрган Корея Республикаси таълим марказининг Ўзбекистондаги вакили жаноб П.Пакнинг қалби қувончларга тўлиб кетганди. Негаки, тўғрақ аъзоларининг корейс тилидаги бийрон сўзлашуви, миллий урф-одат, аниъатларини билиши у кишини гоят завқландирганди-да. Бунда эса Стелла Ли, Людмила Ким каби педагогларнинг хизмати катта бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН - ВАТАНИМ МАНИМ!

3-сон гимназиядаги корейс тўғраги аъзоларининг олаб бораётган ишлари, уларга яратилган шарт-шароитни кўрган Корея Республикаси таълим марказининг Ўзбекистондаги вакили жаноб П.Пакнинг қалби қувончларга тўлиб кетганди. Негаки, тўғрақ аъзоларининг корейс тилидаги бийрон сўзлашуви, миллий урф-одат, аниъатларини билиши у кишини гоят завқландирганди-да. Бунда эса Стелла Ли, Людмила Ким каби педагогларнинг хизмати катта бўлди. Бугун вилоятда корейс биродарларимиз шарафига қўйилган Синдухин аҳоли пункти. Нам Хюн Дон номли мактаб, қатор кўчалар, воҳа ахли ҳаётга сингиб кетган корейс таомллари, хунарманчилик, рассомлик ишлари, ватанимиздаги ҳар бир миллатнинг дўст ва иноқ яшаш учун етарли шароит яратилиб берганигидан дарак беради. Умид БЕКМУХАММАД, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Шу билан бирга, Урганч давлат университети ва Урганч шаҳридаги 3-сон гимназиядаги корейс тўғраги аъзоларининг олаб бораётган ишлари, уларга яратилган шарт-шароитни кўрган Корея Республикаси таълим марказининг Ўзбекистондаги вакили жаноб П.Пакнинг қалби қувончларга тўлиб кетганди. Негаки, тўғрақ аъзоларининг корейс тилидаги бийрон сўзлашуви, миллий урф-одат, аниъатларини билиши у кишини гоят завқландирганди-да. Бунда эса Стелла Ли, Людмила Ким каби педагогларнинг хизмати катта бўлди.

ТААССУФ

Мақсадлар, ақинда туман “Матлубот-савдо” ХЖга қарашли “Хўжа Ахрор” қишлоғида жойлашган “Гастроном” савдо дўконидан 11 яшиқ қалбаки акция марказлари ёпиштирилган арок сотилаётганини аниқладик. Бу 220 донна сифатсиз махсулот дегани. Қанчадан-қанча одамлар захарланаёпти. Бу уларни қизқинтирмайди. Биз ваколатимиз доирасида акциядорлик жамиятига энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорда, яъни 544 минг сўм молиявий жарима қўйлади. Аммо бу қаби ҳолат бошқа такрорланмайди, деган қафолат борми? Йўқ, албатта. -Дарвоқе, ясама ароклар хусусида... бу махсулот бироз кўпроқ истеъмол қилинади, шекилли, қўблаласи қўлайиб бормоқда. Яна мисоллар борми? -Бор, - ҳисоботларни титқилайди инспекция бошлиғи. - Қозоғистондан спиритни яширинча олиб келиб, қўлда ароқ ясаётган урлар учраб туради. Масалан, Хўжаоат қишлоғида фуқаро Одил Саидовга қарашли хусусий дўконни текширганимизда 102 донна қалбаки акция маркази елимланган сохта арокларнинг далилий ашё сифатида олиб, “тижоратчи-тадбиркор”га нисбатан тўпаланган ҳужжатларни туман судига бормганимиз. Туман солиқ инспекциясининг ўтган 10 ойлик фаолиятига оид ҳисоботга қўз югуртираемиз. Унда сохта ишбилармонларга доир мисоллар, ҳолатлар гиж-гиж.

ОҚСОҚОЛ ОЁҒИДАГИ ТУШОВ

(Боши 1-бетда) -Беш йилдирки, шу масъулиятли вазифада ишлабман, - дея мулоҳаза юритади Бу-хоро шаҳридаги Фуқат номи маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зебо Очилова. - Очиғини айта қолай, асосий ишимиз у ёқда қолиб, хизмат ваколатимизга кирмаган баъзи юмушларга ўралашиб қолаётимиз. Маҳалла раиси зиммасига аҳолидан чиқинди ташкилотларга қўмақлашсин, деб кўрсатилади. Бу маҳалла раиси ҳар кун ишда ҳисоб берсин, дегани эмас-ку? Опанинг куйинишда жон бор. Коммунал тўловлар масъаласида ўтказилаётган йиғинишларнинг нечоғли фойдаси тегаёпти? Ахир, бундан аҳоли қарзлари қамаяётгани йўқ-ку. Дарвоқе, Фуқат номи маҳалла фуқаролар йиғинида 511 та оила бор. Йиғин раиси зиммасига аҳолидан бир ойда 156 минг сўм чиқинди пули йиғиш топширилган. Табиийки, газ тўловини тўлаш миқдори бундан бир неча хисса кўп. -Шаҳар газлаштириш идораси тўловларга ақиндан тўра ёрдам берганини эъзизга келишувга мувофиқ 2001 йилда 286 минг сўмни ҳисоб рақамимизга кўчирганди, - дея эслайди З.Очилова. - Бу пул мададга муҳтож кишиларни иқтисодий хийма қилишга аққотган эди. Аммо мана, икки йилдирки, улар бизга бир тўлган аҳоли беришгани йўқ. Холбуки, газ пули йиғиш учун озмунча вақт, кўч сарфладикми? Гапнинг очиги, чиқинди пули йиғ, кунора мажлисга бор қабилидаги ишларнинг турган-битгани дахмага. Улар бизнинг оёғимизга тушов бўлаяпти. Ахир, биронинг хонадонига маҳалла раиси “газ ҳақини тўланг”, деб эмас, кўнгул сўрагани борса, шу оиланинг ташвишларини енгил қилиш ҳақида бош қотирса, яхши эмасми? Маҳаллада тадбиркорликни йўлга қўйиш, ободончилик, нотинч оилалар билан ишлаш, ёшлар тарбияси... Биз йиғин раиси, унинг масъулиятчилари зиммасидаги қўллаб юмушларнинг айрим-айримларини санаб ўтдик, холос. Демак, маҳалла оқсоқолини ҳам тушуниш керак. Зеро, маҳалла ишсизликка барҳам бераётганини, ўзига тинч ва аҳил оилалар қўлаётгани, кўчалар биров курс, ҳавас қилғулик бўлиб бораётганини кўрган, энг атган чоғда одамларнинг унга бўлган ишончи тагин-да, қуваяди. Ана ўшандагина лоқайдлик орта чекинди, фуқаролар маҳалла раислиғига энг муносиб номзодни сайлашди. Чунки маҳалла юзу қўзимиз, гуруримиз, ор-номусимиздир. Истам ИБРОХИМОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

Маҳаллада тадбиркорликни йўлга қўйиш, ободончилик, нотинч оилалар билан ишлаш, ёшлар тарбияси... Биз йиғин раиси, унинг масъулиятчилари зиммасидаги қўллаб юмушларнинг айрим-айримларини санаб ўтдик, холос. Демак, маҳалла оқсоқолини ҳам тушуниш керак. Зеро, маҳалла ишсизликка барҳам бераётганини, ўзига тинч ва аҳил оилалар қўлаётгани, кўчалар биров курс, ҳавас қилғулик бўлиб бораётганини кўрган, энг атган чоғда одамларнинг унга бўлган ишончи тагин-да, қуваяди. Ана ўшандагина лоқайдлик орта чекинди, фуқаролар маҳалла раислиғига энг муносиб номзодни сайлашди. Чунки маҳалла юзу қўзимиз, гуруримиз, ор-номусимиздир. Истам ИБРОХИМОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

Самарқанд туманининг Ражабамин қишлоғида яшовчи Уктам Одилов акция маркази бўлмаган тамаки махсулотлари ёки ясама арок сотишнинг майда-чўйда иш ҳисоблаб, осилсанг сал баландроқ дорга осил, деган парадикс, бирдан йўлмайгани бойлик топишни истаб қолди. Бу одам ўзига тегишли ер участкасидаги хали қуриб битказилмаган бинонинг ертўласига яширинча махсус қурилма ўрнатиб, электр энергиясидан ҳам ноқонуний фойдаланиб, яна ўғирлик йўли билан келтирилган чигитдан ёғ ишлаб чиқариш билан шуғулланган. Сифатсиз, истеъмолга яроқсиз ёғ ишлаб чиқаргани қоидабузарликни аниқлатса, туман электр тармоқлари идорасига 1 миллион 825 минг сўм зарар етказгани хийноят бўлди. Худди шу тарздаги фаолияти учун Рустам қишлоғилик Х.Холмуродов, Чордара қишлоғи вакиласи С.Жабборовлар ҳам эндиликда надомат чекиб юришибди. Чордара қишлоғида истиқомат қилувчи Сановат Мусурмонова эса уйда электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб, яширин тарзда чинни идишларга гул чиқариш фаолияти билан машғул бўлган. -2003 йилнинг 9 ойи давомида 128 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланди, шундан 10 та ҳолат бўйича хийноят ишлари қўзғатилди, - дейди Бахтиёр Бахромов. - Одамларга ҳайронман. Таъкидланмаган ишларни рўйхатдан ўтказиб, амалга оширсалар ҳам бир дунё пул топадилар-ку, ким уларнинг мушугини пишт дейди. Мақсуд АКРАМОВ, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

ДЕХҚОНЧИЛИК

УРУҒ СОЧҒАН, БАРАҚА ТОПАДИ

Дехқон йил-ўн икки ой тиним билмайди, дейди Дўстлик туманидаги "Зафар" фермер хўжалиги соҳибига С.Қорабев. Қиш мавсумида экин майдонларига минерал ўғит чиқариш, ариқ-зовуларни тозалаш, галлага озука бериш каби ишлардан бўшамаймиз. Эрта баҳор эса ҳаммага маълум. Табиатнинг ўзи сизни кўлга кетмон тутишга ундайди.

Фермер хўжалиги кўпмадда 61,5 гектар майдонга чигит қадаган эди. "Ан-Бобвўт-2" нави чўл шараитига мослиги бош дехқонлар адашишмади. Бунинг устига тақчил пайтда ҳам сув таъминотида узиллиш сезилмади. Хар гектар ҳисобига солинган 200 килограмм аммофос, 300 килограмм аммиакли селитра ҳамда шунча миқдордаги маҳаллий ўғит ва доимий ишлов туфайли мўн хосил етиштирилди. Хозиргача 173 тонна "оқ олтин" йиғиштириб олиниб, давлат қабул пунктларига етказиб берилди. Хосилдорлик 28 центнердан ошishi кўтилмоқда.

Галлачилик соҳаси ҳам миришкорларнинг тузуқлини даромад манбаига айланган. Улар шартномага кўра 35 центнер ўрнига 40 центнердан сара дон топширдилар. 30 тоннадан зиёд галла ишчилар ўртасида тақсимланди. Хатто бир қисми хайрия мақсадлари учун сарфланганлиги эътиборга моликдир.

Хўжаликда асосий ишлар техникалар зиммасида. Лизинг орқали олинган "ТТЗ-80" ва "МТЗ-80" русумли тракторлар дехқонлар юмушини осон қилаётди. Пахтанинг 120 тоннаси замонавий "Кейс" русумидаги пахта териш машиналари ёрдамида терилганлигига нима дейсиз?

"Зафар"ликлар 2002 йилда 8 миллион сўм даромад олган бўлишича, жорий йил бу кўрсаткични 40 миллион сўмга етказишни мўлжаллашган. Олинаётган фойда туфайли фермер хўжалиги ишчиларининг турмуш даражаси тобора яхшиланиб бормоқда.

Х.ШУКУРОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Мамлакатимизда ислохотлар жараёнининг тобора жадаллаб бориши хар қадамда ўзининг ижобий самарасини берапти. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 январдаги 8-сонли қарорига асосан қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги қорхоналари ҳудудларида сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини тузиш ишлари олиб борилдики, натижада дехқонни уйлантираётган муаммолар ўз ечимини топа бошладилар. Шу ўринда табиий савол туғилади: сувдан фойдаланувчилар уюшмаси тузилгунга қадар бу борада аҳвол қандай эди?

Сув бир текис тақсимланмасди, яъни ариқ бошида бўлган фермер кўп олиб, бошқасига етмасди. Ариқ охиридагиларга-ку сув хатто етиб ҳам бормасди. Эндилдики хар бир фермер хўжалигида сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) фаолият кўрсатади. Агар улар хоҳламаса ташкил этилмайди. У нодавлат, нотижорат ташкилоти.

Авалгилар кўпчилик дехқон ва фермерлар СФУ нималигини ва унинг фойдали жиҳатлари қандай эканлигини тушуниб етишмади. Оқибатда кўпгина суғориш тармоқлари ишдан чиқиб, сув исрофгарчилигига йўл қўйилган. Масалан, ирригация-мелиорация ишларини жадаллаштириш учун техника керак эди. Бу ҳол Қишлоқ туманидаги ўртачўл массивида, Навбахор туманидаги "Сурух" сувдан фойдаланувчилар уюшмаси таркибидagi ирригация-мелиорация ишотларида учради.

-Бундай ҳолатларни бартараф

АМРИҚОЛИК ФЕРМЕРНИНГ ЭЪТИРОФИ

этиш ва ирригация-мелиорация тизимини ишчи ҳолатда сақлаш учун фермерлардан кўрсатилган хизмат хақи учун тиждорат банкларига инкасса қўйилапти-ю, лекин талаб этилади-ган маблағнинг тушуми жуда кам миқдорда бўлапти, - дейди Кармана-Конимех ирригация тизими бош бошқармаси Авишер Рашидов. - Бунинг сабаби МТП, қишлоқхўжалик, мё, нефть маҳсулотларига, фермерлар уюшмасига йўналтирилган транс маблағлари келяпти-ю, бироқ, СФУлар ҳисобга олинмапти. Бу борада ҳиддий ўйлаш, СФУни оёққа турғизиш учун трансдан махсус маблағ ажратиш фойдалан холи бўлмайди, деб ўйлайман. Яна бир гап. Фермер хўжаликлари хар йили бизнес режа тузади. Назаримда унда СФУ хизмати учун маблағ ажратиш ҳақидаги банд киритилса, маъқул бўларди.

ДАВР

Фермерларга керакли сувени вақтида олиш имконини беради. Натижада сув 19-15 физидек, "Ун соҳил" СФУсида фермерлар билан бир неча бор дарслар ўтказилиб, хатто тажриба мактаби иш бошладилар.

-Шу йилнинг 15 февралидан ЮСАИД ташкилоти 6 гектар пахта майдонимизни энг мураккаб ер шароити сифатида тажриба участкаси ўн таллаб олганди. Уларнинг кўрсатмалари асосида ери қайта текислаб, сифонлар (диаметри 30-50 миллиметрли резина шланг) орқали суғоришни йўлга қўйдик, - дейди "Оқида" фермер хўжалиги раҳбари Оқида Пирнафева. - Шу билан бирга бу майдондаги пахта намлигини ўлчайдиган, сизот сувлари кўтарилишини на-

лот Навбахор туманидаги "Ун соҳил" СФУсига компьютер, "Кейс" экскаватори ва энгил автомашинани бегараз ёрдам сифатида тақдим этишди. Бундан ташқари, ЮСАИДнинг НРМП дастури ёрдамида дехқон-фермерларнинг аниқ-тиник қанча сув олаётганликларини билиш учун автомат сув ўлчагичлар ўрнатилди. Бундан ташқари, пахтанинг намлигини ўлчайдиган ускуна, ерининг қанча физидек бўлишини ўлчовчи асбоб совға қилишди. Бу дехқон ва транс маблағлари керакли сувени вақтида олиш имконини беради. Натижада сув 19-15 физидек, "Ун соҳил" СФУсида фермерлар билан бир неча бор дарслар ўтказилиб, хатто тажриба мактаби иш бошладилар.

Жорий йилнинг кузига амриқолик фермер Мордан Вайт "Оқида" фермер хўжалиги даласида бўлганида гўзадаги кўсаларни кўриб: -Ажойиб натижа, бу фермер меҳнатининг илмий асосланганлиги самараси, - деб баҳо берди.

-Авалгилар йиллари ер нотекис бўлганини учун 6-7 нафар сувчи сувени тўлиқ тақсимланмасди. Хатто, бу иш 10-13 кунгача чўзиларди. Хорижликлар билан ҳамкорликдан сўнг битта сувчи олти гектар майдонни атиги уч кеча-кундузда суғораяпти. Бунинг натижасида ҳам ишчи кучидан юзаяпти, ҳам сувининг лимитдан ортқича сарф бўлиши олдини оляпти, - дейди фермер опа.

Тажрибадан авн бўлдики, СФУ хар қатра сувдан тежалмай фойдаланиш маъсулиятини оширади. Ахир, экин-зор сувининг кириб келиши, машаққати озмунчами? Ундан тежаб фойдаланиш эса хар биримизнинг бурчим бўлмоғи лозим. Зеро, бозор шароити бу масалада жидайди ўйлашимизни тақозо этмоқда.

Ҳамдам ЭШОНКУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

КУЗГИ ШУДГОР. БОШҚАСИ БЕКОР!

Шудгордан сўнг микроорганизмлар, чувалчанглар кўпаяди. Натижада тупроқ элакдан ўтказилгандай майинлашади. Асосийси, кишки ёмғир сувини ўзида сақлаб қолади.

Боғлар шудгорланганда қатор оралиги 30-35 сантиметр, туп оралиги 15-20 сантиметр чуқурликдан ошмаслиги керак. Акс ҳолда дархатларнинг илдизига зарар етиши мумкин.

Шудгор ишлари якунланган, боғларга яқоб суви берилди. Бу ишни сувини "енгил югуртириб" олиш тарзида бажариш. Афсуски, айрим боғбонлар бунга амал қилмайдилар. Узоқ муддат сув туриб қолиши натижасида дархатларнинг илдизи чирийди.

Шу боис қайсидир юмушни бажаришда иккилансангиз уста боғбонлардан маслаҳат сўранг.

Мақсуд Икромов, "Узағромашсервис" уюшмаси МТП бўлими бошлиғи:

-Очигини айтиш керак, ўтган йил шудгорлаш мавсумида айрим хатоликларга ҳам йўл қўйилди. Масалан, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида ер ҳайдаш ишлари жорий йилнинг февралгача чўзилиб кетди. Бундан ер ҳам, дехқон ҳам жабр кўргани бор гап. Бу каби хатоликларни такормаслик, мавсумини ушқоқлик билан ўтказиш мақсадида Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда уюшмалар мутахассислари ҳамкорлигида махсус жадавъл тузилди.

Унга кўра шудгорлаш ишларини 7 ноябрда бошлаб, 25 декабргача тугаллаш режалаштирилган. Бу, албатта ўзининг самарасини бера бошлади. Республикада 18 ноябр ҳолатига кўра жами 184,9 минг гектар ер ҳайдалган. Бу режанинг 13,3 фоизи бажарилди, дегани.

Маълумотларга қараганда, жорий йил 1392, 2 минг гектар майдон шудгор қилинадиган бўлиб, мавсумга жами 6271 донга хайдов тракторлари жалб этилган. Шундан 1816 таси юқори унумли замонавий тракторлардир. Шу ўринда бир гап. Уста дехқонлар ер ҳайдашда занжирли тракторларни афзал кўришади. Бу оқилона гап. Чунки занжирли трактор ерни эичлаб ташламайди. Шу боис бундай русум-

ли тракторларга талаб йилдан йилга ортиб борапти. Масалан, ўтган йил 700 донга "Т-4А", 39 донга "ВТ-100" русумли хайдов тракторлари юртимизга келтирилган бўлса, шу йилнинг 15 ноябргача 578 та "Т-4А" тракторлари олиб келинди.

Айтиб ўтиш керакки, хориждан келтирилган юқори унумли тракторлар фақат шудгор учун мўлжалланган, холос. Бироқ бизда бошқа юмушлар учун ҳам "Магнум" лар сафарбар этилмоқдаки, бу кўпчилик дехқонларнинг эътирозига сабаб бўлмоқда. Масалан, ҳайдалган майдонларни текислаш мақсадида кири-



Халқимизда "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда" деган нақб бор. Зеро, мутахассисларнинг ҳам, боғбону дехқонларнинг ҳам фикри шундай. Чунки бугун қилинган сифатли шудгор келгуси йил учун мустаҳкам пойдевор демак. Шунинг унутмасок бас. Саид РАҲМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

тилган мазкур тракторлар ерларни котириб қўйиши мумкин. Шунинг учун бундай ишларни занжирли тракторларда амалга ошириш тавсия этилади.

-Занжирли тракторнинг яна бир қулай томони шундаки, оғир об-ҳаво шароитида ҳам ишлайверади. Юқори унумли тракторларда эса бунинг акси. Лекин унумдорлиги жиҳатидан "Магнум" ларга тенг келадигани йўқ. Масалан, занжирли тракторларда бир иш кунига 4,5 гектаргача ер - майдон шудгор қилинади, замонавийларда бу кўрсаткични 15 гектарга етказиш мумкин.

Халқимизда "Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда" деган нақб бор. Зеро, мутахассисларнинг ҳам, боғбону дехқонларнинг ҳам фикри шундай. Чунки бугун қилинган сифатли шудгор келгуси йил учун мустаҳкам пойдевор демак. Шунинг унутмасок бас. Саид РАҲМОНОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

СЎҲ КАРТОШКАСИ

Дехқончилик нозик иш. Ер билан тиллашиш, унга ишлов бериш кишидан билимдорлики талаб этади. Гоҳида тонгадиги ширин уйқуни бузишга, тунни кунга улашга тўғри келади. Буни кўпни кўрган бободеҳқонлар яхши билишади.

-Хосилни йиғиштириб олган, чарқоқлар унутилди, - дейди Сўх туманидаги дехқон-фермерлар биз билан суҳбатда. Сўхликлар дехқончиликнинг ҳадисини олишган. Мана 22 йилдирки, картошқачилик билан республикада машхур. -Туманимиздаги "Сўх", "Озод" ва "Хушёр" фермер хўжаликлари картошқачиликка ихтисослашган, - дейди Сўх туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Мухаммадхон Аҳмаджонов. - Жорий йил жами 325 гектар ерга картошка экилган. Натижа ёмон эмас. Фермерлар хар гектар ердан 200 центнердан хосил олишди.

-Ютуқларимиз қаторида бизни уйлантираётган муаммолар ҳам йўқ эмас, - дейди фермер Мирзарахим Мирзахакимов. - Масалан, уруғлиқни олайлик.

Аслида хар уч йилда картошка уруғини алмаш-интилиш долриқ тушиб кетиши турган гап. Ўтган йили "Невский" навидан эккандик. Ўзини оқламади. Бу йил "Санта" уруғини минг бир ҳавотир билан ерга қададик. Озроқ қиммат демасак, хосил зўр бўлди.

Тумандаги қайси дехқон билан гаплашган, экин-тикин мавсумида уруғлиқнинг баландлаб кетишидан нолишади. Турги, эрта баҳорда 1 килограмм элита уруғи 800-1000 сўм бўлгандан сўнг, сотиб олишга ҳамманинг ҳам қурби етaverмайди-да. Буни чўтта ташлаб кўрсак, кўзга яққол ташланади. Агар бир гектар майдонга картошка экимоқчи бўлсангиз, 3 тонна уруғлик керак бўлади. Уни сотиб олиш учун миллионлаб сўм сарфлаш зарур. Уруғлиқни фермернинг ўзи етиштирсачи? Сарфланадиган миллионлар ёнига қолади.

-Бу йил 4 гектар ерга картошка эккандик. Хосилни йиғиштириб олдик. Аммо маҳсулотни оладиган аниқ миқозлар йўқ. Шунинг учун маҳсулотимизни вилотиимиз бозорларига сотаяпмиз. 8 миллион сўм фойда олишни мўлжаллашмиз, - дейди фермер Мухаммадхон Ерматов.

Бундан бир неча йил аввал туманда картошқачилик мактаби яратилган эсимизда. Ушанда 1200 гектар майдондан 25 минг тоннадан ортиқ хосил олинган эди. Бугунги натижалар билан таққосласак, хосилдорлик пасайиб кетгандек. Сабабини сўраганимизда дехқонлар, "яхши уруғлик йўқ, ўғит қиммат, устига-устак маошимизни вақтида ололмаймиз", дейишди. "Энг зўр картошқачи" рекорди янглимаганлиги ҳам бунга тасдиқ. Уста дехқон Одил Жалолов (раҳматли) хосилдорлиқни гектар бошга 800 центнерга кўтарган эди. 75 ёшли миришқор Жаҳворали Эралиев эса бу кўрсаткични 550 центнерга етказди.

-Тўғри, соҳада муаммолар учраб турибди. Бироқ "додвой" деган билан иш битмайди. Шунинг учун ҳаракатни ўзимиз қилишимиз керак, яъни сифатли уруғлик етиштиришни йўлга қўйишимиз лозим, - дейди М.Аҳмаджонов. - Шу боис фермерлар билан йил бошидаёқ шартнома тузиб, молиявий ёрдам кўрсатдик. Дехқонларга сифатли уруғлик тайёрладик. Энди ҳосилдан ўз улуғимизни олаёلمиз. Ниятимиз жамгариланган уруғлиқни баҳоргача сақлаб келгуси йилда ҳам иккинчи нон саналган картошқачини кўпайтириш. Ана шунда сўхлик дехқонлар янда бой бўлади.

Саид РАҲМОНОВ, Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ.



Оқдарё туманидаги уруғчиликка ихтисослашган Бобур номили ширкат хўжалигида ижарачиларнинг доңчиликка меҳри баланд. Манфаатдорлик зўр-да! Одамлар ерни маҳаллий ўғит билан тўйинтиришга ҳам астойдил ҳаракат қилишади. Бу йил гектар бошига 20 тоннадан зиёд «нури» чиқарилиб, сўнг дон экилди. Шу боис майсалар тез ва бакувват ўсапти. СУРАТДА: уста галлакор Улаш МУРОДОВ. Абдунаби АЛИҚУЛОВ олган сурат.

НАБОТОТ

Кунжут кўп йиллик ўсимлик бўлиб, ўттиз бешга яқин тури мавжуд.

КУНЖУТ

Кунжутнинг ватани Африка ҳисобланади. Хиндистон, Хитой, Миср, Греция ва Эрон каби мамлакатларда ҳам у қадимдан экилади. Бу ўсимликнинг бўйи 50-180 сантиметргача бўлиши мумкин. Пояси тўқли, яшил ёки қизил бўлиб, тик ўсади. Ўқ илдизи тўрт метргача этади. Июн-июл ойларида гуллабди, меваси август-сентябрда етилади. Кунжут меваси пилинганда усимлик ўриб олиниб, очик ердга қуритилади, янчиб уруғи ажратилади.

Х.МАҲАММАД ТАЙЁРЛАДИ.

НАФСНИНГ ҚУРБОНИМИ, ЁКИ...

XX аср бошларидан бўён фанга номаълум бўлган қушлар ва сўт эмизувчи ҳайвонларнинг 50 та тури аниқланган бўлса, ҳозирга келиб мавжуд ҳайвонларнинг 150 дан зиёд турлари йўқлиб, абадул-абад қирғин топан.

Манбаларда келтирилишича, турларнинг қирилиб кетиши қадим замонлардаёқ бошланган. Ўн илгилар йиллар илгари олинган қўлида мамонтлар, қалин жунли қарқандонлар, гигант бугулар, гор арслони ва айқирли қирғилди кетгани бунга яққол мисол. Мутахассисларнинг фикрича, биз яшаб турган хозирги даврда ҳам ҳайвон турларининг йўқлиб кетиш жараёни кузатишмоқда.

Масалан, 1600 йилдан - 2000 йилгача сўт эмизувчиларнинг 63 тури, 54 кенжа тури, қушларнинг 76 тури ва 87 кенжа тури буткул йўқлиб кетгани қайд этилган. Шунингдек, хар йили биттадан ўнгангача ҳайвон турлари йўқлиб бораётгани хавотирли, албатта. Айна вақтда жонли тاباتда абадий йўқлиб кетган ўсимлик ва ҳайвон турларининг "қора рўйхати" ҳам тузилган. Қўлида "қора рўйхат" -

дан жой олган айрим ҳайвон турлари ҳақида сўз юртамиз. Шимолий Америка оролларида катталиги гоъдек келадиган "канотсиз гагарка" деб аталувчи қушлар яшаган. Тана узунлиги 70 сантиметр бўлган бу қушлар яхши уча олмас-да, сувда яхшигина ҳаракат қилган. Маълумотларга қараганда, охиригифт канотсиз гагаркалар 1844 йилда Исландияда отиб ўлдирилган.

Бир вақтлар Маврикий оролларида каптарсимонлар оиласига мансуб Дронг деб аталувчи қуш яшаган. Оғирлиги 20 килограмм бўлиб, қанотлари жуда кичиклиги сабаб, яхши уча олмас, шунингдек, югура олмасди ҳам. Унинг кучли тушуқларини химоя воситасини ўтаган. Кишиларнинг тاباتга шафқатсиз хуружи оқибатида Дронг ҳам бутунлай йўқлиб юборилган. Кишилар уни охиригифт бор 1681 йилда кўришган.

Манбаларга кўра XIX аср бошларига Шимолий Америка осмонидан 3 миллионгадан - 5 миллионгагача гала-гала бўлиб сайёр каптарларни учиб юришарди. Тана узунлиги 30

сантиметр бўлган бу қушнинг майин ва ширин гўшти овчиларнинг тинчлини йўқотди. Натижада 1880 йилга келиб уларнинг сонини шунчалек камайиб кетдики, уни сақлаб қолишининг иложи қолмади. Охиригифт сайёр каптар 1899 йилда АКШнинг Цинциннати шаҳридаги ҳайвонот боғида яшаган. Бироқ, 1914 йилнинг 1 сентябрда у ҳам ҳалок бўлган.

Ток туёқлилар туркумининг отсимонлар оиласига мансуб хонаки отнинг кенжа тури бўлган Тарнан кишилар томонидан гўшти ва териси учун овланган. Унинг бўйи 2 метр, яринидан баландлиги 130 сантиметр бўлган. Россия даштларида яшаган ушбу ҳайвон 1879 йилда бутунлай қириб юборилган. Тойчоқлик вақтида тутиб олинган биргина эркак тарнан 1914-1918 йилларда Полтава губерниясининг Миргород шаҳри яқинидаги бир хонадонда боқилган. Тарнанинг ягона скелети Санкт-Петербург шаҳридаги Фанлар академияси зоология музейида сақланмоқда.

Инсонларнинг очкўзлиги туфайли зебранинг бир тури бўлиши Квагга (йўлбарс от) ҳам бутунлай йўқлиб кетди. Унинг тана узунлиги 2 метр, яринидан баландлиги 1,3 метр келган. У Жанубий Африканинг чўл ва текислик саванналарида кенг тарқалган эди. Унинг чиройли териси бошига етди. Охиригифт Квагга 1883 йил 12 август кунини Амстердам ҳайвонот боғида ҳалок бўлди.

ХАЙВОНОТ ОЛАМИ

Хайвонот олами инсонларнинг ҳаётини осонлаштириш ва уларнинг соғлигини яхшилатишда муҳим роль ўйнайди. Хайвонот олами инсонларнинг ҳаётини осонлаштириш ва уларнинг соғлигини яхшилатишда муҳим роль ўйнайди. Хайвонот олами инсонларнинг ҳаётини осонлаштириш ва уларнинг соғлигини яхшилатишда муҳим роль ўйнайди.

Хайвонот олами инсонларнинг ҳаётини осонлаштириш ва уларнинг соғлигини яхшилатишда муҳим роль ўйнайди. Хайвонот олами инсонларнинг ҳаётини осонлаштириш ва уларнинг соғлигини яхшилатишда муҳим роль ўйнайди.

Хайвонот олами инсонларнинг ҳаётини осонлаштириш ва уларнинг соғлигини яхшилатишда муҳим роль ўйнайди. Хайвонот олами инсонларнинг ҳаётини осонлаштириш ва уларнинг соғлигини яхшилатишда муҳим роль ўйнайди.

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ТЎСИҚЛАР

БМТнинг қочоқлар иши бўйича олий комиссарлиги ўз фаолиятини Афғонистоннинг Газна, Қандаҳор, Нанграҳор ва Хости шаҳарларида вақтинчалик тўхтатади.

Чет эллик хизматчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларга Қобул ёки Исломобод шаҳарларига қўчиб ўтишга рухсат берилди. Афғонистоннинг ушбу шаҳарларида ўтган ярим йил мобайнида турли халқаро тинчликпарвар ташкилотларда кизмат қилаётган 12 нафар ҳодимларнинг ҳалок бўлиши БМТнинг ана шундай қарор қабул қилишига сабаб бўлди.

15 ноябр кунини Газна шаҳрида 29 ёшли франциялик БМТ хизматчиси Беттин Гослар ўлдириб кетилгандан сўнг "Толибон" ҳаракатининг бошлиқларидан бири Абдул Самад "Ушбу қотилликни бизнинг партизанлар амалга ошириши ва бундан кейин ҳам ошириши. Бунга сабаб бор, чунки Афғонистонда ишлайдиган чет эллик вакилларнинг барчаси жосуслар ва улар христиан динининг тарғиботчиси дидлар" дея баёнот берган эди.

ТАРИХИЙ УЧРАШУВ

Фаластиннинг "Ҳамас" ва "Ислам жиҳоди" экстремистик гуруҳлари Исроил билан келишмовчиликларни бартараф қилиш тўғрисидаги келишувларда қатнашишга розилик беришди. Учрашув 2 декабр кунини Қоҳирада бўлиб ўтиши режалаштирилган.

"Ҳамас" экстремистик гуруҳи раҳбари Шайх Аҳмад Есин исроилликларга қарши хар қандай ҳужумларни тўхтатишини айтиди. "Ахали Исроил Фаластин ҳалоклиги билан келишиб яшашни хоҳламапти", дейди лидер. Айна вақтда Исроил бош вазирини Ариэл Шарон билан ҳам учрашув уюштириш устида ишлар олиб боришмоқда. Исроил мудоффа вазирини Силван Шалом учрашув кейинги ҳафтада бўлиши мумкинлигини айтиб ўтди. Фаластин бош вазирини Аҳмад Корининг айтишича, тинчлик йўлидаги бу учрашувлар ижобий воқеа сифатида тарихда қолар экан.

СУДАНДА АВИАҲАЛОКАТ

Судан давлатининг Вау шаҳридага аэропортда "Ан-12" русумли юк самолёти портлаб кетди.

Ҳожиа оқибатида 13 киши ҳалок бўлди. Уларнинг тўрт нафари Арманистон ва қолганлари Судан фуқаролари бўлган. Ҳожиадан сўнг ахборот агентликларидан бири ҳалок бўлганлар орасида бир нафар россиялик йўловчи ҳам бўлган, дея хабар берган. Аммо Россия ташқи ишлар вазирини Александр Яковенко бу маълумотни инкор қилди.

ГРИПП АСОРАТИМИ?

Мамлакат парламенти минбаридан нутқ сўзлаётган 75 ёшли Миср президенти Хусни Муборакнинг тўсатдан аҳоли ёмонлашиб қолди. Бу пайт унинг маърузаси телевидение орқали тўғридан-тўғри эфирга узатилаётган эди.

Маълум бўлишича, у нутқ сўзлаётган вақтида ўзини ноқулай сезган ва гаплари чалқшиб, қийинчилик билан сўзларни таллаффуз эта бошлаган. Шундан сўнг трансляция вақтинча узиб қўйилган.

Аслида 15 ноябр кунини бўлиб ўтиши керак бўлган ушбу йиғилиш президентиинг соғлиғи ёмонлиги сабаб кейинга қолдирилган эди. 45 минутлик танлаффуздан сўнг Хусни Муборак мажлисга залига яна қайтди ва бу нохуш ҳодиса грипп асорати бўлиб, бунинг ҳеч хавотирини жойи йўқ эканлигини айтиди.

ВВСнинг Мисрдаги мухбири Кеби Сален "ушбу воқеадан сўнг Мисрда ҳукумат жиҳови энди қимнинг қўлига ўтиши мумкинлиги ҳақидаги гап-сўзлар тарқалиши мумкин", дея хабар беради. Бунга асос бор, албатта. Мамлакатда Хусни Муборакнинг ўғли, Миллий Демократик партия лидери Камо Муборакни президентликка тайёрлашмоқда, деган мишмишлар тарқалган эди.

"КУРАС" ДАВОМ ЭТАДИ

Тбилисдаги спорт саройларининг яна бири 10 мингдан

Боши 1-бетда

30-йилларда фаол комсомоллар орасидан ташвиқотчилар таърипланди. Улар чойхоналарда, клубларда, далалар, хуллас, одам тулланган жойларда партия сийосатини шарҳлаш, ташвиқот қилиш билан шуғулланавердилар...

Контузидан сунг пайдо бўлган рухий ҳолатида у ҳамон ўзини ўша ташвиқотчи дея ҳисоблар ва кўпчилик орасида нутқ сўзлашни бурчи деб ўйларди.

50-йиллар бошларида Корея ярим оролида бир миллатнинг ўзаро уруши бошланган, бу урушга бир тарафдан Америка, бир тарафдан советлару, Хитойлар жўр бўлишган эди. Матбуот, радиода ҳар кун ҳудди "Социал-демократик" хабар беради деганларидек, "Куриядан сунги хабарлар" берилар, унда одатда Ким Ир Сен ҳукмати Америка ҳукуматини беш юзинчи ёки олти юзу етмишинчи марта ўзининг ҳаво чегараларини бузиб ўтишида айблар, кейинги бузишда жаваб чоралари қўлашни ваъда қилар, бироқ кейинги бузиш ҳам ҳар доимидек навабтдаги норозилик нотаси билан яқун толарди. Нусрат ордендор шу йиллари авжга чиқди.

Маълумки, ақсарият туманлар марказларида ҳафтанинг ақшанба кунини катта бозор бўларди. Шу кун олис-қоқ кишлоқлардан бировлар кўй-молини, бировлар хашак, домини сотувга олиб келар, бировлар бунни сотиб олар, сотганлар туман марказидаги магазини дўконларда турли хил латта-путта, майда-чўйда харид қилишар, хуллас, бутун туман аҳли бозор кунлари етти ёшдан етмиш ёшгача марказга йнгларида десак хато бўлмасди.

Ана шундай пайтларда кутимлаганда туман бозоридики тоилардан бирида бир одам пештахта устига чиқар ва одамларга қараб, баланд овозда:

— Уртоқлар! Дикқатингизни талаб қиламан! — дея мурожаат қилар эди. Хаммининг нигоҳи шу одамга қаратилган бир пайтда бу одам пештахта устида у ёқдан бу ёққа юриб:

— Уз халқининг мард, жасоратли, буюк ўғлини Ким Ир Сен бошчилигидаги карис биродарларимиз Америка империализмига қарши ўзларининг қахрамонона курашларини давом эттирмакдалар, —

дея нутқ ирод қила бошларди.

Нусрат ордендорни (у кезлари Нусрат ҳали ордендор лақабини олмаган эди) билан ҳам, чет қишлоқлардан келган деҳқон-хунармандлар, чорвалардан: "Дарҳақиқат, бу одам ҳукумат томонидан кўйилган ташвиқотчи шекли, агар тингламай жилиб қолсақ, гап тегмасин тагин" деган ҳаёлда қуруқ ерга биров қопини, биров чўпонини тўшаб ўтирганича, астойдил тинглашга тушишарди. Нусрат эса тингловчилар кўпайганидан кўзларини лўқ қилганича "ташвиқотчи"нинг оқзи:

НУСРАТ ОРДЕНДОР

дан чиқаётган гапларни илб илаётганларидан илкомлиниб яна авжга чиқарди.

— Мана биз совет халқи, доно раҳбаримиз, еру кўнжинг отаси, улуг дохий Сталин раҳнамолигида немис фашист босқинчиларини енгдик. Карис халқи ҳам албатта Америка империалистларини енгай! Биз ҳаммамиз Курия томонидамыз. Керак бўлса жонимизни ҳам қардош карис халқи учун қурбон қиламиз!

Атрофи гўлдирок қарсақлар тутар, хатто бу оташин нутқдан илкомланган ва балки шундай нутқдан сунг индамай кетишни сийёсий хато деб биладиган баъзилар Нусратнинг ёнига чиқшар, уни қўллаб-қувватлаб, бутун халқни Америка империалистларини лаянатлашга чорлардилар.

Маҳаллий партия-ҳукумат маъмурулари нима қилишга ҳайрон эди. Бирор нарса деб Нусратнинг оғзини беркичишса, эртага қимдир бундан бошқача маъно топиши мумкин. Чунки Нусрат сийёсатга қарши бормас, ақсинча совет сийёсатини қўллаб-қувватлашга чорларди, холос. Иккинчи томондан Нусрат барибир, "контуж", яъни мияси айнаганича, аслида талба-тезиз бир одам. Унга минбар бериб хато қилинмаяптимикин? Эрта-ин-

дин бир жинни бозор-ўчар, жамоат жойларида ўзича валдариб нималарди дер, ҳар гапиде дохий номини пеш қилиб нутқ сўзлаётганига йл қўйиб бераётганлар бирор балога гирифтор бўлишмасмикин?

Уша пайтларда "фронтовий" Кабир Салоҳиддинов Фаргона шаҳридаги икки йиллик ўқитувчилар малакасини ошириш институтини тугаллаб, туман марказидаги мактабда ишга тушган, сўзамоллиги, хушёрлиги, мажлисури пропандаси қандай бераётганлигини бизнинг район мисолида яқинда обком бюросида қуришди. Ўзингиз тайёргарлик қилиб ётибсиз. Энгелс қолхозининг фермасига борсак, бир тўда одам йнглари. Уртада ўша Нусрат нутқ сўзлаётди. Яқинроқ бордик. Одамлар бизни қўриб қўзғалишган эди, ўртоқ Топшўлатов "Қимирламанлар, қимирламанлар" дея... падарлаётган Нусратнинг ёнига бориб турса бўладики! Нусрат Корея уруши ҳақида одатий хангомасини кўрсатаятган экан. Энгелс район марказидан узоқ эмасми, одамлар Нусратни танимай-

митингларда сўзга чиқшга ишқибозлиги боис раҳбарлар назарига тушган эди. Кўп ўтмай уни туман партия қўмитаси тарғибот-ташвиқот бўлимига мурид қилиб ишга олиб келишди Ана шу пайтда у иккинчи бир сўзамол - "Нусрат контуж" билан бақамти келди. Кунлардан бир кун иш партия ходимини райкомнинг биринчи котиби чақириб қолди.

— Ассало му алайкум, Носир Гофурович, чақиртирган экансиз.

— Утиринг, — деди котиб кўнғиз мўйловини кўрсаткич бармоғи билан хиёл силаб кўркан. Кабир сездикки, котиб бирор муҳим масала хусусида у билан маслаҳатлашмоқчи. Чунки қўл учининг кўнғиз мўйловига тегизишли шу маънони аңглатарди.

Кабир дарҳол ён дафтарида каламини чиқариб бутун вужуди қулоқча айланган ҳолда котиб томонга эғилди.

— Бир нарса дейишга ҳам ҳайронсан, — деди котиб "Қазбек" папиросини тутатиб, — анаву Нусрат Бегимқулов масаласида фикрингизни билмоқчийдим.

Кабир бош ирғаб, гўё бу масаланинг ўша нозиклиги ва уни яқини тушунишини аңглатадиган бир ҳаракат қилди.

— Ҳабарингиз бор, кеча обкомнинг идеология бўйича котиби ўртоқ Топшўлатов районга келган эди. Дала шифопонларини айландик, фермаларда бўлдик. Партия-миз XIX съезди материалла-

ди.

Лектор кёб қопти деб ферма мудери ишчиларни йнғиб берибди. Уртада тепасига алвон ёзилган стол. Нусратнинг нутқи авжиди...

Нима дейишимни, нима қилишимни билмайман. Бу бетамизнинг "лекцияси" тугагунча игна устида ўтиргандай бўлдим. Овозини худди Левитанингкига ўхшатиб товлантиришини қаранг. Топшўлатов ҳам нутқ сўзлади. Нусратга мазмунли нутқ учун раҳмат айтди. Ана шармандалики! Кейин Нусратнинг исм-фамилиясини, иш жойини ёзиб олди. "Қаранг, олдий қоровулу, шунчаллик билдимон, энг муҳими, партия, давлат сийёсатининг оташин ташвиқотчиси!" — дея уни макташга тушди. Шундай овозди, ташаббускор, онгли одам нега партия аъзоси эмас, дея менга таъна ҳам қилди. "Област маркази яқинда бўладиган лекторлар кенгашида сўзга чиқди, юборасиз!" деди. Кабиржон, ростки, гангил қолдим. Бу ақир, жинни одам, десанг ана баалога қолсан. Эртага эса Нусратнинг нега партияга ўтказмадиган дея зугум қилишлари ҳам эҳтимол.

Котиб яна кўнғиз мўйловига кўрсаткич бармоқ ва ўрта қўлни хиёл теккизганича шифтга қаради. Кабир ҳам унинг ортидан шифтга, сунг девордан ўзига доҳибана назар билан термулиб турган

— Э, келинг, ўртоқ Салоҳиддинов. Ўзим ҳам сизни кўтиб ётувдим, — дея каламузи инидай тор, нимкоронги қоровулхона сўрисида оқват, ёт қўйиллавериб ялтираб кетган исқирт тўшақда ёнбошлаб район газетасини ўқиб ётган Нусрат сачиб ўрнидан турди.

— Қаранг, МТС сийёсий бўлими бошлигининг мақоласини факат шудрог ҳақида гап битган, холос. Қурияде қардошларимиз социализм манфаатларини қўлга қурол олиб мардонча химоя қилаётганлари ҳақида эса лом-миним демайди. Сийёсий кўрлик эмасми бу! Кузги шудрогларини ер музламасдан тугаталйик, дебди.

Алишер ИБОДИНОВ (Давомини келгуси сонларда)

SPORT O'LAMIDA

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛ

Ўтган кунини Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш учрашувларининг "А" гуруҳида навабтдаги баҳслар ўтказилди.

Шу кунгача ўтказилган тўрт учрашувдан 10 очко жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси рақибларидан маҳорат бобида устун эканлигини исботлашга улгурди. Тўрт очкога эга бўлган гонконгликларда эса иккинчи ўринни эгаллаш имконияти бўлганлиги туфайли учрашувга жиддий тайёргарлик қўришганди. Шу боис ҳам майдонда ҳар икки терма жамоа ҳужумкор, қизикarli ўйин намойиш этишди. Гоҳ у, гоҳ бу дарвоза олдида уюштирилган ҳужумлар ишқибозларда катта қизқиши уйғотди.

Дарвоқе, футболчиларимиз шу даражада узоқроқ ўйин намойиш этишдики, хатто химоячи вазифасини баҳарлаётган Ширишов ҳам ҳужумчиларга ёрдам беришга муваффақ бўлди. Унинг аниқ зарбаларидан бири гонконгликлар дарвозасини ишғол этиш билан яқунланди. Ўйин 1:0 ҳисобида яқун тоқди. Натижада ҳамюртларимиз беш учрашувдан 13 очко жамғариб, мўддатдан олдин келгуси йили Хитойда ўтадиган Осиё чемпионатига бериладиган йўлнамани қўлга киритишди.

Ушбу гуруҳда иккинчи ўрин учун кураш анча кескин ўтадиганга ўхшаб қолди. Шу кунгача беш очко жамғариб, иккинчи ўринни забт этиб турган Тожикистон терма жамоасига галаба сув билан ҳаводек зарур эди. Шунингдек, Таиланд ва Гонконг терма жамоаларига ҳам қўлай имконият юзага келганди. Шу боис Тожикистон — Таиланд терма жамоалари баҳсини ҳам анча қизикarli кечди. Ушбу беллашувда майдон эгалари 1:0 ҳисобида галаба қозониб, 6 очко жамғаришди ва турнир жадвалининг иккинчи погонасига чиқиб олишди. Бугун Ўзбекистон — Таиланд, Тожикистон — Гонконг терма жамоалари кун синашди. Иккинчи ўрин тақдирини ана шу учрашувларда ўзил-кесил ҳал этилади.

ГРИГОРЯНГА ОСОН ЭМАС

Профессионал бокс бўйича супер энгил вазн тоифасида жаҳон чемпиони, ҳамюртларимиз Артур Григоряннинг навабтдаги рақибини маълум бўлди. Келгуси йилнинг 3 январиде Артур WBO ва WBA йўналишларида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган бразилиялик марм қўлқоп устаси Аселино Фрейнаса қарши рингга чиқди. Бундан икки йил мўддатда Хозел Хасамайор устидан галаба қозонган Фрейнаса ўз ҳисобига WBA чемпионлик камарини ҳам қўйиб қўйганлигини инобатга олганда, Григоряннинг бу гагли рақибини жуда кучли эканлиги ойдинлашди. У шу кунгача профессионал боксда 34 та жанг ўтказиб, шунинг 31 тасини нокаут билан яқунлаган.

МУНОСИБ БЕЛЛАШДИ

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида уюштирилган самбо бўйича 27-жаҳон чемпионати ўз ниҳоясига етди. Ушбу мусобақаларда тўртта олтин, учта кумуш медалларни қўлга киритган мезбонлар биринчи ўринни қўлга киритишди.

Мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган икки нафар самбонимиз ҳам муваффақиятли натижани қайд этишди. Энгил вазни самбонимиз баҳсида финалда рус курашчиси Ситийий Альянов билан бел олишган Шавкат Жўраев имкониятни бой бериб қўйди ва жаҳон чемпионилик кумуш медали совриндори бўлди. 74 килограммгача бўлган вазнда ярим финалгача муваффақиятли катнашган Акрон Ишов ҳам қилувчи беллашувда украинлик Виктор Савиновдан енглиди ва чемпионатнинг бронза медалини қўлга киритди.

АРОНОВ СОВРИНИ УЧУН

МХСР спорт мажмуида 12-13 ёшли ўсмирлар ўртасида А.Аронов соврини учун 5-аънаъанвий халқаро турнир ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг деярли барча вилоятлари ва Тошкент шаҳри, шунингдек, Тожикистон, Қозғоғистондан ташриф буюрган

қирққа ақин клубдан 200 нафардан ортиқ ёш дэзюкчилар иштирок этишди. Икки кун давом этган турнирда дастлаб 5 та вазн тоифасида саралаш мусобақалари уюштирилди. Беллашувларда пойтахтлик Рустам Гофуржонов, Азиз Курбоновлар билан бирга андиқлик Раҳмат Аҳмедов, Бухоролик Отажон Раҳматов, қаршилик Аҳдам Раҳматовлар биринчи рақамли иштирокчиларга айланшди. Халқаро турнирнинг иккинчи кунинда барча вазн тоифаларида голиблар аниқланди. Бу сафар Қаршининг бир йўла уч вақили Тўлкин Аҳмедов, Лазиз Файзуллаев, Ҳамид Уриновлар ўз вазнларида бошқалардан анча кучли эканликларини исботлашди, голибликни қўлга киритишган бўлса, пойтахтлик Шаҳоб Додабоев ва пойтахт вилояти аъзоси Суннатилла Азимовларга ҳам турнир голиби бўлиш насиб этди.

Маълумки, ноябр ойининг охирида Қарши шаҳрида дэзюдо бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтади. Айни кунларда қўпгина дэзюдочиларимиз ушбу мусобақаларда муваффақиятли катнашиш учун машғулот йнглариини бошлаб буюришди.

ОУЭН "ЛИВЕРПУЛ"ДА ҚОЛАДИ

Англиянинг "Ливерпул" клуби ҳужумчиси Майкл Оуэн Ўзи ҳақида тарқалган миш-мишларни инкор этди. Жумладан, у "Турни, мен Еврокубок баҳсларида тўп суришни хоҳлайман, лекин факат "Ливерпул" таркибиде. Англияде тугилдим ва шу ерда тўп суриш менга ёқади", деб айтиб ўтди. Эслатиб ўтамиз, сунги пайтларда жаҳон ОАВларида 24 ёшли ҳужумчи тўғрисида "Real"га ўтармиш", "Интер" Оуэнни Рекобага алмаштирармиш" каби шов-шувлар тарқалган эди.

16 ЖАМОА НОМИ АНИҚ

19 ноябр кунини Европанинг бир қатор яшил майдонларида Португалияда бўлиб ўтган Евро - 2004 финали йўлнамаси учун плей-офф баҳслари бўлиб ўтди.

Бу учрашувлар кутимлаган натижаларга бой бўлди десак, хато бўлмайди. Ўз майдонинида муваффақият қозона олмай Россия жамоасига "Миллениум" ўйингоҳида омад қилиб боқди. 22-дақиқада бурчакдан жарима тўпи тегиш имкониятига эга бўлган мехмонлар стандарт вазиятдан унумли фойдаланишди. Ролан Гусев ошириб берган тўпни Вадим Евсеев боши билан Пол Жонс қўриқлаётган дарвоза тўрига жойлаб қўйди. Голдан кейин Райан Гигз жамоаси қанча ҳаракат қилмасин, улар Малафеев дарвозасига йўл топа олмадилар.

Латвия терма жамоаси аъзолари Ригадаги баҳсда кичик устунлик билан туркияликларни мағлубиятга учратган эдилар. Уларга мехмондаги дуранг натижа ҳам Европа чемпионати эшикларини очини тайин эди. Лекин жаҳон рейтингинида учинчи ўринда борётган Туркия термаси учун Александр Старков жамоасини "тиз чўқдириш" ҳеч гап эмасдек эди. Аммо, Шенон Гунеш жамоасидан бу сафар омад очкичасига ўз юғирди. Мехмонда тўп суришга қарамай, латвияликлар 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаб, ўз тарихларида биринчи марта Европа чемпионати финали йўлнамасини қўлга киритишди.

Колган учрашувларда эса қутилгандек, омад кучлиларга қўлиб боқди. "Учар голландек" Шотландияни 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратган бўлсалар, колган икки учрашувда мехмонлар мезбонлар устидан галаба қозондилар.

Словения — Хорватия 0:1 Норвегия — Испания 0:3 Шу тариқа Португалия майдонларида тўп сурадиган 16 жамоа номи аниқ бўлди. Булар: Англия, Болгария, Германия, Голландия, Греция, Дания, Испания, Италия, Латвия, Португалия, Россия, Франция, Хорватия, Чехия, Швейцария, Швеция.

ИНТЕРНЕТ ҳабарлари асосида Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

ДОВРУФ КЕЛТИРГАН ФИЛЬМЛАР

Кино — миллионлаб мухлислар севиб томоша қиладиган, минг машаққатлар билан яратиладиган санъат асарини ҳисобланади. Қорақалпоғистонлик киноижодкорлар ҳам мана анча йилдирки, машаққатли меҳнатлари эвазига юксак санъат асарлари яратишга интиляптилар. Тўленберген Қайибергенов, Ибройим Юсуповдек адибу шоирлар яшаб ижод қилаётган бу заминда бугун ўз касбининг муҳир актёру режиссёр, оператору кинодраматурглари пайдо бўлди. Айниқса, 1970 йилдан фаолиятини бошлаган "Қорақалпоқфильм" киностудияси ўтган давр мобайнида шаклланиб, қорақалпоқ миллий киносининг довергунини оламга ёйди. Дастлабки пайтда кичик лавҳа ва қисқа камровдан иборат фильмлар яратилган бўлса, орадан вақт ўтиб Европа ва АҚШлик киномухлислари ҳам ҳайратта солувчи асарлар пайдо бўлди.

"Амударё шопикорлари" дея номланган ҳужжатли фильм қорақалпоқ киносининг нодир асарларидан эди. Кейинчалик Ойхоним Шомуротова каби санъаткор, Ураимбет Холмуродул Сапарбоева синдирийбой Ориповдек рассомлар тўғрисида ҳужжатли фильмлар юзага келди.

Айниқса, Ўзғабой Абдураҳмонов, Дамир Абдумуратов, Марат Таумуратов, Тураниёз Калимбетовдек қорақалпоқ киноижодкорлари ёнига Тошкентдан Турди Нодиров, Тўлкин Рузиев, Қаҳрамон Хасанов, Шухрат Маҳмудов, Баҳодир Музаффаровларнинг ўтган аср 80-йилларида Нукусга келиб ҳужжатли фильмлар ишлашгани дўстлик ҳамда ҳамкорлик рамозига айланганди.

Ўтган давр мобайнида қорақалпоқ киноижодкорларининг яратган бадиий фильмларини халқаро миёсда катта шов-шувга сазаб бўлди. Хусусан "Оролқум" фильмини нуфузли халқаро кинофестивалларда совринларга эга бўлса, Тураниёз Калимбетов режиссёрлик қилган "Отабег" фильминини Голландияда ўтказилган халқаро кинофестивалда нуносиб баҳоланганди.

Режиссёр Жақиллик Давлетовнинг "Гум-гум" бадиий фильминини АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида ўтказилган кинофестивалда беш совринни қўлга киритганди.

Хусусан, сунгги йилларда "Жироу", "Қўлпар", "Онажонини", "Тулқиниш" фильмларини шулар жумласидан дейиш мумкин. Айниқса, жақандиган суратга олиб бўлинган Мурод Ниёзов шекарисиде асосидаги режиссёр Тураниёз Калимбетовнинг "Танка" бадиий фильминини яқинда қўллаб киномухлислар эътиборини тортгани аниқ. Эеро, қорақалпоқларга хос ҳазил-мутойибаю, кескин юмор руҳи ақс этган, чол-кампир ва унинг қизи билан боғлиқ воқеалар "Танка"нинг асосий мавзусидир.

Умуман, барча қорақалпоқ фильмлари сингари бадиий асарда ҳам халқ тилининг жозибаси миллий думлар, содда қишлоқ одамларининг қизикarli хангомаларга бой ҳаёти тасвирланади.

Албатта, шу кунгача яратилган барча қорақалпоқ фильмларида шекаривий муаллифчи, режиссёр ҳамда операторлар билан бирга қўллаб айланишнинг машаққатли меҳнатлари самараси ёйилди. Бу асарлар айтилиши, Қутайбой Абдрамонов, Шомурат Утемиратов, Мирзабой Утеметов, Айнур Дарменқулова, Сирга Аимбетова, Омарбой Қосимбетов, Есембет Салқеев, Лиэа Аҳимбетова, Азизет Аймуратов сингари иқтидорли актёрларнинг ўрни катта.

Умид БЕКМУХАММАД, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



— Хув, ўша ёдингдами?..

П.ЭРГАШЕВ олган сурат-лавҳа.

ЭНГ ҚИММАТ... БУ АЖИБ ДУНЁ

Буюк Британиянинг "Ок вимпел" ҳарбий денгиз байроғи 1902 йили таъсис қилинган. 1997 йил 10 октябрда "Кристис" (Лондон) қимомши савдосида у 45868 долларга баҳоланган эди.

Стерлинг ва Франсин Кларк санъат институти ходимини сэр Лоуренс Альма-Тадемнинг "Стейнвей" устанчасида маҳорат-ла ясалган роял 1997 йил 7 ноябрда Лондондаги "Кристис" қимомши савдосида 1,2 млн долларга баҳоланганди.

1727 йили машҳур уста Страдивери томонидан моҳирона ясалган "Крейцер" деб аталувчи скрипка 1998 йили Лондондаги "Кристис" қимомши савдосида 1.516.000 доллар баҳоланган дунёдаги энг қимматбаҳо скрипкадир.

Т.АЗЛАРХОНОВ тайёрлади.

ТАСКИН

Яқинда ўзим ўқиган Риштон туманидаги 7-мактаб олдиндан ўтиб борар эканман, бизга 1953-1963 йилларда таълим-тарбия берган устозларини ёдга олдим.

"Алифбо"ни тутқазган, "Хуснихат"ни ўргатган, биз учун чўнтақларига доимо туршак солиб қорадиган, аёзли кунларда нимжон болакайлари тўнига ўраб уйлариғача кўтариб борадиган биринчи ўқитувчимиз Маҳмадбой Омоновни, соҳ ва тирноқларимизни олиб юришу, бет-қўларимизни ювганда совун ишлатишни эринмай ўргатган, совуқ тушиши биланқоқ синф хоналаридаги лечкаларга гиштин кўмирини хеч қимга ишонмай ўзи ташлаб чиқадиган, мактабда темир интизом ўрнатган директоримиз Салимжон Абдуллаевни қўз олдимга келтирдим.

"Алгебра" сузи буюк ватандошимиз Мухаммад Хоразмийнинг "Ал-жабр вал-

муқобала" асарининг лотинча номи эканлигини бизни илк бор баҳардор қилган, институтларга қира олмасалар ота-оналари мактабдан домангир бўла-

дилар, дея совхоз директори билан жанжаллашиб бўлса-да, 10-синфини пахта теримидан олиб қоладиган математика ўқувчимиз Холмамет Нишоновни эсладим. Дарсликдаги шеърни ахтирос ила айтиб берган синфдошимизни мактаб-мактаб жойига ўтказиб, "Э, болалар, бу дунёда Чўлпон, Усмон Носир деган шоирлар ҳам бўлган", дея уларнинг "Кулган бошқалардир, йнглалар менман, Ўйнаган бошқалар, инграган менман" ва "Юрак, сенсан меннинг созим, Тилимини найга жўр этдинг" сингари ўлмас сатрларини дераздан узоқ-узоқларга тикилиб ўқиб берадиган, "Ўтган кунлар"ни

бошдан-оёқ ёд билган адабиёт ўқитувчимиз Яҳё Сулаймоннинг сиймосини қўргандек бўлдим. Алижон исмли синфдошимиз ясаган қўлбола радиоприёмникни директоримизгача қўз-қўз қилиб, булар Поповдан ҳам қолшмайди, дея қувониб қорадиган, тўполончи синфда ҳам, тартибли синфда ҳам дарсларини бирдай зўр ўтадиган физика ўқитувчимиз Мадамнижон Акбаровни, ўқувчиларимизнинг ҳаммаси студент бўлади, уларнинг ичидан Абдулҳай Азизов, Иномжон Нортжозиев сингари ўқитувчилар, Тўхтасин Солиевга ўхшаган врачлар, Мухтор Худойқулов, Райимжон Мелиёвоб каби журналистлар, Бокйи доила ва Содир Эркинлардан қолшмайдиган олимлар, ўқтам Собир каби инженерлар чиқди, дея орзу қилган, унинг ушлашини йўлида бизга ҳам тиним бермаган, ўзи ҳам жонини ҳаборга бериб ишлаган кадрли синф раҳбаримиз Абдулқалим Обидовни хайлимдан ўтказдим. Уларнинг орзу ниятлари ушлагани, бошлаган ишларини шогирдлари давом эттираётганлиги қўнгилга таскин беради.

Мухаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, техника фанлари доктори.

Boш муҳаррир: Сайд АХМАД, Алтай АДИЛОВ, Комилжон МАМАХОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ. Ўткир РАҲМАТ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплексини таркибидеги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирликлар ва идоралар. ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона - 136-58-83. Бош муҳаррир ўрини босарлари - 133-16-27, 133-44-43. Котиблик - 136-56-30. Иқидий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс - 133-09-93, 133-40-87. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-64-461; Жиззах - 8-372-22-648-72; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фаргона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қаш